

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДАГИ ПАРАЛЛЕЛ ГИДРОНИМИК ИНДИКАТОРЛАР ХУСУСИДА

Улуқов Носиржон¹, Исламова Диором²

Аннотация. Мақолада гидронимлар таркибий қисми сифатида сув объекти ва иншооти турини кўрсатиш, характерлаш ҳамда бошқа шундай объектлардан фарқлаш, турли луғавий бирликларни гидроним сифатида шакллантиришга хизмат қилувчи туркй тиллардаги параллел гидронимик индикаторларнинг ономастик вазифаси, лексик-семантик, этимологик хусусиятлари, фонетик ва лексик вариантлари, эквавалентлари, ясалиши, қўлланиш даражаси каби масалалар далиллар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: гидроним, гидронимик индикатор, гидронимия, ономастик вазифа, фонетик вариант, ясалиш, синоним, тарихий-этимологик манба, диалектал, боботил.

Гидронимлар таркибида қўлланиб, ном ифодалаётган сув объекти ва иншоотининг турини ифодаловчи луғавий бирликлар **гидронимик индикаторлардир**. Масалан, *арик*, *қўл*, *сой*, *қудук*, *булоқ*, *дарё* каби.

Туркй тиллар, жумладан, ўзбек тили ва унинг шевалари гидронимик индикаторларга бой. Гидронимик индикаторлар гидронимларнинг таркибий қисми сифатида қуйидаги ономастик вазифаларни бажаради:

- а) гидроним ифодалаётган сув объекти ва иншоотининг турини кўрсатади, конкретлаштиради;
- б) объектни номлашда гидроним таркибида қатнашади;
- в) сув объекти ёки иншоотини тавсифлайди;
- г) объектни бошқа шундай объектдан фарқлайди.

Туркй тиллар ва шеваларда бир қанча параллел гидронимик индикаторлар кузатилади. *Айдин* индикатори қозоқ тилида “*катта ҳовуз*”; қирғиз тилида “*чүкүр ва текис жой*”; қорақалпоқ тилида “*сув сатҳи, ярқироқ жойи, товланиб турган сув юзи*” маъноларини англатади.³

Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилояти гидронимиясида ҳам *айдин* гидронимик индикатори кузатилади. Индикатор “*қўл, қўлнинг чүкүр жойи, қўлнинг ўсимликсиз очиқлик жойи, ўртаси*” каби маъноларни ифодалайди. Худди шу маънода *Қамышли айдин*, *Қарангайидин*,

¹ Наманган давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори

² Наманган давлат университети мустақил изланувчиси

³ Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари лексикаси // Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, 1966. – Б. 95.

Айдинкол гидронимлари таркибида учрайди.⁴ Ўзбек тилидаги географияга оид терминлар луғатида ойдин сўзига “юзаси тоза, очиқ сув, кўл”, – деб изоҳ берилган.⁵

Булоқ – ер остидан отилиб, қайнаб чиқувчи сув ва шундай сув чиқиб турган жой. Мазкур гидронимик индикатор ҳозирги ўзбек адабий тили ва шеваларида кўз, чаима, манба каби синонимларга эга. Сўзнинг туркий, мўғул, тунгус-манжур тилларида булак, булаг, булоқ, булақ каби фонетик варианлари кузатилади.⁶

Қадимги туркий тилда *bulaq* сўзи “чаима”, “канал”, “арық” маъноларида кўлланган. В.В.Радловнинг кўрсатишича, сўз татар тилида болак шаклида “канал”, “ирмоқ” маъноларида кузатилади.⁷ Тува тилида “тоғли водий” маъносига қўлланади.⁸ Апеллятив олтой тилида булак; хакас тилида пулух, пулах; турк, озарбайжон тилида булак; бурят ва мўғул тилларида булаг; қалмиқ тилида булг; эвенқ тилида булак, болак шакларида айнан юқоридаги тушунчаларни англатади.⁹ Этимологик луғатларда мазкур лексема қадимги туркий тилдаги “оқиб чиқ” маъносини англатувчи булла- феълидан -қ қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади.¹⁰

Ўзбекистон гидронимиясидаги фаол гидронимик индикаторлардан бири *сой*дир. Гидронимик индикатор Ўзбекистондаги барча вилоятлар гидронимик тизимида хос: *Косонсой*, *Чортоксой*, *Сассиқсой*, *Самансой*, *Мойлисой*, *Жулайсой*, *Жийдасой*, *Курноссой*, *Кандисой*, *Кечитсой*, *Равотсой*, *Резаксой*, *Сансалоксой*, *Селгасой* (Нам. в.), *Андижонсой*, *Шаҳрихонсой*, *Аравонсой* (Анд. в.), *Қувасой*, *Шўҳсой* (Фар. в. Қува т.), *Бахмалсой*, *Бешарчасой* (Жиз. в.), *Бақироқсой*, *Бешторой* (Тош. в.) каби юзлаб гидронимлар таркибида учраши ҳам фикримиз далилидир. Ўзбек тили гидронимиясида сой гидронимик индикатори юқорида келтирилган гидронимлар таркибида “адир, тоғ оралиғидаги ва шундай жойлардан бошланувчи сув йўли, сув обьекти” маъносини англатади. Географияга оид терминологик луғатларда сой индикаторига «водий, ирмоқ, сойлик, эски ўзан, ясси жар» деб изоҳ берилган.¹¹

Сой сўзи X-XI аср ёдгорликларида, жумладан, Маҳмуд Кошғарий луғатида “қора тошли ер”, “вулқон оқибатида пайдо бўлган тошлок жой” маъноларида учрайди.¹² Сой гидронимик индикатори тарихий-этимологик жиҳатдан умумтуркий қатламга мансуб бўлиб, олтой, уйғур, татар ва бошқа бир қатор туркий тилларда *сой* // сай, бошқирд тилида *хай* шакларида кўлланади. Сой бошқирд тилида “саёз жой, саёзлик” маъноларини англатади. Қозоқ тилида сой сўзи “жар”, “дара”, “ирмоқ”, “настқам ер”, “настлик”, “кичик тоғ дарёчаси”, қорақалпоқ тилида “жар” маъноларини билдиради. Сой ўғуз гуруҳига мансуб озарбайжон ва усмонли турк тилларида чай шаклида “арықча”, “дарё” маъноларида қўлланади.¹³ О.Молчанова индикаторнинг *сай*, яъни *сой* шакли туркий, чай шакли эронча деб кўрсатади.¹⁴ Бизнингча, индикатор туркий тилларга мансуб, бошқа тилларга шу тилдан ўзлашган.

⁴ Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 72.

⁵ Ғуломов П. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 80.

⁶ Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. – Москва: Мысль, 1984. – С. 100.

⁷ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. СПб., 1888-1911. (в 4 томах, 8 книгах) Т.4.

⁸ Донидзе Г.И. Гидронимические термины в тюркских языках // Ономастика. – Москва, 1969. – С. 169-171.

⁹ Қаранг. Мурзаев Э.М. Ўша луғат, 100-бет.

¹⁰ Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – Москва, 1976. – II т. – С. 263.

¹¹ Ғуломов П. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 97.

¹² Девону луғотит турк (индекс-луғат). – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 204.

¹³ Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. – Москва: Мысль, 1984. – С. 491-492.

¹⁴ Молчанова О. Проблемы теории и методики языка. – Ярославль, 1976.

Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасига мансуб Хоразм шевасида *йап* (адаб. орфо. ёп) гидронимик индикатори фаол қўлланади. Мазкур сўз турли фонетик варианtlарда ўзбек тилидан бошқа туркий тилларда: қорақалпоқ тилида *йап* // жсон, қозоқ тилида джсан, туркман тилида яп шаклида кузати-лади: *Ақяп*, *Карајап*, *Қадырјап*, *Аджсияп* (Тур. Рес.), *Сақўзёб*, *Караён*, *Тошён*, *Шўрён* (Қорақал. Рес.)¹⁵ каби.

Бу индикаторни Э.М.Мурзаев “катта ариқ”, “канал” деб изоҳлайди.¹⁶ Н.А.Баскаков яп туркман тилида “магистраль канал” маъносига эгалигини кўрсатади.¹⁷ Кўп тадқиқотчилар сўзни эроний тиллардаги об (сув, дарё) сўзи билан алоқадор деб қарайдилар.¹⁸

Ён ўзбек тилидаги географияга оид терминологик луғатда “ўрта ва кичик канал” деб изоҳланади.¹⁹ А.Отажонова маҳаллий шевада ёп, канал гидронимик индикаторлари тенг қўлланишини, бироқ канал ёпга қараганда каттароқ ҳажмда бўлишини қайд этади.²⁰ Демак, ёп гидронимик индикатори ўзбек тилининг Хоразм шевасига хос бўлиб, гидронимлар таркибида «катта ариқ», «кичик канал» маъноларида қўлланади: *Қумён*, *Богён*, *Эшонён*, *Шўрён*, *Тошён* (Қорақал. Рес. Амударё т.) *Үйғурйап*, *Найманйап*, *Ҳассайап*, *Яңгийап*, *Бўзйап*, *Хизирлийап*, *Чавдырийап* (Хор. в.)²¹ каби.

Жилга – тоғ ва тоғ ён-бағирларидан оқиб тушадиган кичик сой, йилға.²² *Жилга* гидронимик индикаторини Ш.Рахматуллаев “кичик оқин сув” деб изоҳлайди.²³ Этимологик луғатларда *жилга* қадимги туркий тилдаги *сув* маъносини англатган йўл сўзидан “кичик” маъносини ифодаловчи -га қўшимчаси билан ҳосил қилинган, деб изоҳланади.²⁴ Олимнинг талқинича, кейинчалик ўзбек тилида сўз бошидаги й ундоши жс ундошига ўтган, ы унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган. Демак, сўзнинг лисоний шаклланиши қуйидагича: *йыл* + *га* = *йылга* > *жылга* > *жилга*.

Э.М.Мурзаев *жилга* гидронимик индикатори қозоқ тилида *жилга* тарзида “арикча”; озарбайжон тилида *жылга*, туркман тилида *жылка*, татар диалектларида *жилга* каби фонетик варианtlарда “қуруқ овраг” маъносида қўлланиши ва бошқа туркий тилларда *елга*, *илга*, *йилга*, *йылга* шаклларida кузатилишини кўрсатади.²⁵ Л.В.Дмитриеванинг таъкидлашича, Рясиенен ҳам *жилга* юқоридаги шаклларда барабин татарлари, қозоқ ва татар тилларида “дарёча”, “ирмоқ”, “жарликка оқиб тушаётган дарёча” маъноларида қўлланишини қайд этади. Унинг фикрича, мазкур сўз мўғулча: *žilşa*. Олим ўз қарашларини мўғуллар билан ёнма-ён яшаётган туркий халқлар тилида бу сўзнинг кам қўлланиши билан асослайди.²⁶

¹⁵ Қаранг. Дўсимов З. Ўша монография, 70-б.

¹⁶ Мурзаев Э.М. Ўша луғат, 645-бет.

¹⁷ Баскаков Н.А. Географическая номенклатура в топонимии Горного Алтая // Топонимика Востока. – Москва, 1969. – С. 66.

¹⁸ Мурзаев Э.М. Ўша луғат, 645-б; Доможков Н.Г. Заметки о слове // Ученые записки Хакасского научно-исследовательского института языка, литературы и истории. Вып.5. – Абакан, 1957. – С. 181.

¹⁹ Фуломов П. Ўша луғат, 42-б.

²⁰ Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 90.

²¹ Отажонова А. Ўша асар, 90-б.

²² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 2-ж. – Б. 88.

²³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 103.

²⁴ Қаранг. Севортян Э.В. Ўша луғат, IV т. 37-б; Юдахин К.К. Киргизско-русский словарь. – Москва, 1965. – С. 281.

²⁵ Қаранг. Мурзаев Э.М. Ўша луғат, 180-б.

²⁶ Дмитриева Л.В. Этимологии географических апеллятивов в тюркских и других алтайских языках // Алтайские этимологии. – Л., 1984. – С. 163.

С.Қораевнинг кўрсатишича, жилга бир қанча туркий тилларда йалка, йолқа, йалқов, йолға шаклида учрайди.²⁷ X.Жабборовнинг фикрича, жилга, жилга, йилға умумтуркий йўл сўзидан ясалган ўзакдош сўзлардир. Жанубий Ўзбекистоннинг тоғли жойларида жилга – ўтлар орасидан жилиб, (йўл топиб) чиқадиган сувлардан пайдо бўлувчи дарёча, ариқ. Жилмоқ – суримоқ феълидан ясалган бўлиши мумкин.²⁸ Бизнингча, индикатор хусусидаги Ш.Рахматуллаевнинг фикрлари асосли. Ўзбек шеваларида сўзнинг йилға фонетик варианти ҳам кузатилади.

Ёрмии / йармиши гидрономик индикатори Йармиши, Бозйармиши, Киччийармиши каби Хоразм гидронимлари таркибида “кичик ариқ” маъносида қўлланади.²⁹ Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида йармыши // джармыши шаклида дарёдан сув оладиган “арик, канал” маъносини англатади.³⁰ Бу индикатор туркман тилида ҳам учрайди: Кенә йармиши канали.³¹ Бизнингча, индикатор қадимги туркий тилдаги “йа:p” – “ажрат, қаз” асосига -мии сифатдош шаклининг қўшилувидан ясалган: *йар+мии > йармиши*.

Гидронимик индикаторлари ўзи ифодалаётган сув обьекти ёки иншоотининг характерига кўра табиий ва сунъий, ҳажм хусусиятига кўра йирик ва кичик сув обьектларига ишора қилувчи индикаторларга бўлинади. Булар доирасида сунъий, микрогидронимлар (кичик сув обьектлари)га ишора қилувчи гидронимик индикаторлар кўп.

Хуллас, гидронимларининг лисоний шаклланишида гидронимик индикаторлар муҳим ўрин тутади. Гидронимик индикаторлар турли мустақил сўзларга қўшилиб, уларни сув обьекти ва иншоотларининг атоқли номини ифодалашга хослайди, қўшма ва мураккаб таркибли гидронимлар таркибида бир унсур сифатида қатнашади ҳамда сув обьектининг турини ифодалайди.

Туркий тиллардаги гидронимик индикаторларнинг салмоқли қисми тарихий-этимологик жиҳатдан туркий қатламга мансубдир. Бу, албатта, уларнинг бир боботил негизида шаклланганлиги, такомиллашганлигининг ёрқин далилидир.

Адабиётлар руйхати.

1. Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари лексикаси // Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, 1966. – Б. 95.
2. Анатиязов С. Отражение в топонимике природно – хозяйственных условий Туркменистана // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1973.
3. Баскаков Н.А. Географическая номенклатура в топонимии Горного Алтая // Топонимика Востока. – Москва, 1969.
4. Ғуломов П. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
5. Девону луготит турк (индекс-лугат). – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 204.

²⁷ Қораев С.Қ. ва бош. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 168.

²⁸ Жабборов X. Ўзбек тилининг суғориш лексикаси. – Қарши: Насаф, 2004. – Б. 52.

²⁹ Дўсимов З. Ўша асар, 71-бет.

³⁰ Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 79.

³¹ Анатиязов С. Отражение в топонимике природно – хозяйственных условий Туркменистана // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1973. – С. 118.

6. Дмитриева Л.В. Этимологии географических апеллятивов в тюркских и других алтайских языках // Алтайские этимологии. – Л., 1984.
7. Донидзе Г.И. Гидронимические термины в тюркских языках // Ономастика. – Москва, 1969.
8. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985.
9. Жабборов X. Ўзбек тилининг сүғориш лексикаси. – Қарши: Насаф, 2004.
10. Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1977.
11. Қораев С.Қ. ва бош. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
12. Молчанова О. Проблемы теории и методики языка. – Ярославль, 1976.
13. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. – Москва: Мысль, 1984.
14. Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 90.
15. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. СПб., 1888-1911. (в 4 томах, 8 книгах) Т.4.
16. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000.
17. Севортьян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – Москва, 1976. – II т.
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2006. – 2-ж.
19. Юдахин К.К. Киргизско-русский словарь. – Москва, 1965.